



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: halksuzy@uzpak.uz • 2002 йил 15 октябрь, №222 (3050) Сешанба

ПРЕЗИДЕНТНИНГ БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Исро Каримов 14 октябрь куни жойларда амалга оширилган ислохотлар жараёни билан танишиш учун Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига ташриф буюрди.

Президентнинг Бухорога сафари тасавуф оламининг буюк намояندаси Хожа Баҳоддин Нақшбанд мажмуини зиёрат этганидан бошланди.

Юртбошимиз ташаббусига биноан 1993 йили Баҳоддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик тўйи халқаро микёда нишонланган ва шу муносабат билан бу улуг зотнинг қаровисиз, вайрона бўлиб ётган қадимжоси мўлақот янгитдан таъмирланди, атрофида муҳташам ёдгорлик мажмуи бунёд этилган, кенг қўлама ободончилик ишлари амалда олиб олинган эди. Шундан буён ўтган вақт мобайнида зиёратгоҳ янада қиёфаси, нафақат халқимизнинг, балки бутун муслмон оламининг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

Давлатимиз раҳбари Вобкент туманидаги Имом Наимов номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, пудратчилар, леҳконлар билан са-

мимий суҳбатлашди. Уларни ўйлантираётган муаммолар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада жалаллаштириш борасидаги фикрлари билан қизилди.

Президент Исро Каримов Гиждувон тумани марказида буюк алома — Абдухалиқ Гиждувонийнинг 900 йиллик юбилейига тайёргарлик жараёни билан танишди. Шаҳардаги Мирзо Улуғбек мадрасаси ва Абдухалиқ Гиждувоний мақбарасидаги таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. Келгуси йили Абдухалиқ Гиждувоний юбилейи халқаро микёда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Гиждувон шаҳрини янада ободонлаштириш, шаҳар марказида алома номидаги боғ барпо этиш кўлама тўтирилган. Бу боралдаги ишларни ўз мудирига ва сифатли бажарини юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Талаба ёшларнинг "Универсиада-2002" республика мусобақалари арасида "Бухоро" стадиони қайта таъмирланди, Марказий Осиёдаги энг гузал спорт иншоотларидан бирига айланган эди. Исро Каримов ана шу улкан

спорт иншоотини кўздан кечирар экан, унинг жаҳон андозларига тўла жавоб беришини таъкидлади, бу ерда келгусида нуфузли халқаро мусобақалар ўтказиш учун барча имкониятлар мавжуд эканига эътибор қаратди.

Бухоро вилояти ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоятда қишлоқ хўжалиги ислохотларини янада жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари кенг жорий этиши, хусусан, фермер хўжалиқлари учун барча шарт-шароитлар яратиши, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш хусусида гап борди. Бу боралдаги ишлар юзасидан маҳаллий раҳбарларнинг ахборотлари тингланди.

Кўннинг иккинчи ярмида Президент Исро Каримов Шаҳрисабз шаҳрига келди. Узининг 2700 йиллик шонли тўйига ҳозирлик қараётган бу қадим шаҳар тарихий-меъморий обидаларга бой. Ўтган йили ЮНЕСКО уни Жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатида киритиб, ўз муҳофазасига олди.

Исро Каримов шаҳарнинг Соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи йиллик майдонда бўлиб ўтган маданий марказида буюк саркараларнинг улдуғвор ҳайкали қад ростлаб турибди. Буюк боқалонимиз тўғи юбилей муносабати билан шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига мамнуният билан назар ташлаб тургандек.

— Амир Темур ҳазратларининг ушбу ҳайкалининг барпо этишида кўп жиҳатлар ўйланган, — деди Исро Каримов. — Аввало, у ягона сиймо, таъбир жоиз бўлса, ягона образ сифатида миллат гурурини ифода этиши лозим эди. Бутун бу муаззам ҳайкал куч алолатида эканини барчага намоиш этиб турибди. У асллар давомида магарур қад кўтариб туриши аниқ.

Президентимиз майдон атрофини ободонлаштириш, у ерда ўзига хос муҳит яратиш борасидаги фикрларини ўртага ташлади.

Шуни таъкидлаш керакки, юбилей арасида Соҳибқирон бунёд этган Оқсарой ёдгорлиги ва унинг атрофида улкан таъ-

мирлаш ишлари амалга оширилди. Исро Каримов Оқсаройдак мўъжизакор ёдгорликни сақлаш ва авайлаб-асраш барчамизнинг асосий вазифаларимиздан бири эканлигини қайд этаркан, келгусида уни нафақат тиклаш, балки жаҳонга кенг намоиш этиш лозимлигини таъкидлади.

Исро Каримов Кўк гўмбаз масжидини зиёрат қилди.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, — деди Президент, — муқаддас жойдагина дараклар шундай барқ уриб ўсади, яшнар турлади.

Давлатимиз раҳбари Шаҳрисабздаги обидаларни кўздан кечирган, Қарши шаҳрига келди. Бу ерда Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига сафарига Президентнинг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Х.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси XII қаҳриқ Олий Кенгашининг XI сессиясида муштақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул қилинди ва қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини деб эълон этилди. Шу билан бирга, ушбу сессияда, маъмурий-бўйруқбозлик тамойилларига асосланган, бошқаришининг тоталитар, авторитар тизимига мослаштирилган, 1978 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Совет социалистик республикасининг Конституцияси ўз кучини йўқотгани эълон қилинди.

1990 йил июнь ойида бўлиб ўтган Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида Президент раислигида Конституция комиссияси тўзилади. 1992 йилнинг 2 июлида Олий Кенгашининг қарори билан Конституция комиссияси таркиби қисман янгиланди. Унга янги Конституция лойиҳаси услуги ишлари ниҳоятга етказиб, уни умумхалқ муҳокамасига чиқариш, тушган тақлиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қайта ишланган Конституция лойиҳасини Олий Кенгаш муҳокамасига киритиш вазифаси топирилди.

Лойиҳа 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинганда кейин, меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, фуқароларнинг турар жойларида, телевидение, радиода, оммавий ахборот воситаларида уни тушунтириш, тарғибот, муҳокама қилиш ишлари олиб борилди. Унинг муҳокамасида бутун халқ, барча фуқаролар фаол, манфаатдорлик билан қатнашди.

Дастлабки муҳокама жараёнидаги фикрлар ва тақлифларни ҳисобга олган ҳолда 1992 йилнинг 21 ноябрда лойиҳа иккинчи бор матбуотда эълон қилинди. Биринчидан, бу Конституция лойиҳасининг ишлаб чиқишига ниҳоятда жиҳдат бериб, янада янги ҳолатда ишлатилишини билдирса, иккинчидан, бу муҳокама жараёнида янги жоланиш бағишлади. Янги кенг тақлифлар ҳам умумлаштириб, лойиҳа 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди.


(Давоми 2-бетда).

Демократия ва адолатга садоқат йўлидан

Янги Конституциянинг ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги Олий Кенгашининг 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган XII қаҳриқ биринчи сессиясида илк бор тилга олинган эди. Ушбу сессияда совет социалистик республикаларининг иттифоқи давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президент лавозими таъсис этилди. Исро Каримов Ўзбекистоннинг Президенти этиб сайланди. Собиқ иттифок ўз кучини йўқотмаган, СССР конституцияси империянинг мутлақ ягоналигини ҳимоя қилиб турган кунларда бу — мамлакат раҳбари бошчилигида муштақил йўналишга қўрқмас дадил қадам эди. Ўзбекистон тарихида илк бор ўзгариш элган республика Президенти лавозими янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринга эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзати бўлиб қолди.

1991 йил 31 августда бўлиб ўтган Олий Кенгашининг олтинчи сессиясида Ўзбекистоннинг давлат муштақилиги эълон қилинди. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат муштақилиги асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилди. Кейинчалик шу йилнинг 30 сентябрда ўтказилган еттинчи сессияда ушбу қонунга конституциявий қонун мақоми берилди ва «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонун)га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, унда республиканинг амалдаги Конституциясининг янада қонун ҳужжатларининг номидаги ва матнадаги «Ўзбекистон ССР» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилиши лозимлиги қайд этилди.

Олий Мажлисида



Кеча Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ўтказган «Кекса авлоднинг оиладаги ва жамияттаги роли ҳамда ёшларни тарбиялашда улар фаолиятининг аҳамияти» мавзусидаги давра

Қариялар — маънавий тарбиячиларимиз

суҳбати «Қарияларни қадрлаш йили»га бағишланди. Уни қўмита раиси М. Сафеева бошқарди. Давра суҳбатига республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа тегушли ташкилотлар вакиллари қатнашди. Унда давлатимиз ижтимоий сиебастининг устувор йўналишлари, бутунги кунда кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг моҳияти ва мазмунига доир масалалар муҳокама этилди.

Қарияларни эъзозлаш, уларга хурмат ва эътибор кўрсатиш халқимизнинг маънавий қадриятларидан биридир. Зеро, халқимизда катталар маслаҳатига қўлоқ тутиш, уларнинг дусонини олиш одат. Устоз кўрсатган йўлни танлаш, уни оиладек тегушли азалий қадрият ҳисобланади. Буюк мутафаккир, бобомиз Алишер Навоий ҳам ўз асарларида «Пир» — устозга иттиқ қилиш, кексалар ўғилларига қўлоқ солиш инсонни қомилликка элтувчи йўллардан бири эканлигини кўп бор таъкидлаган.

Конституцияимизнинг 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», дея таъкидлангани ҳам бежиз эмас. Жамиятимизнинг бош қонунида ана шу мезърининг акс эттирилгани кексалар олдидagi масъулият ва мажбуриятимиз нечоғли катта эканлигини билдирди.

Давра суҳбатига қариялар — бизнинг маънавий тарбиячиларимиздир, дея таъкидлаб ўтилди. Уларнинг ҳаётини тажрибалари ёшларга ўз ҳаёт йўлларини белгилаб олишлари учун кўмак беради. Чунки кексалар — инсон умрининг етуклик давридир.

Анжуманда отахон ва онахонларимиз намунасида ёшлар тарбиясида умумий фойдаланиш тўғрисида фикрлар, тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Давра суҳбати қатнашчилар биор борада тавсиялар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида келишиб олдилар.

Ойбек РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ширин» дунё кезади

Навоий кон-металлургия комбинати қошидаги «Ширин» миллий ракс вокал-хореографик дастаси «Қора денгиз» халқаро болалар ижодиёти фестивалида энг юқори соврин — «Гран-при»ни қўлга киритди. Эътироф этиш керакки, бу муқофот дастанинг ягона ютуғи эмас. Жамоа ақинда Екатеринабургда «Она сайрамаз — умумий уйимиз» ширин остида ўттиздан зиёд мамлакатлар жамоалари ўртасида ўтказилган фестивалда ҳам муваффақиятли иштирок этишган эди.

«Ойдин йўл» айёмга шай

Нукус шаҳрининг қутлуг тўйи арафасида Қорақалпоғистон пойтахтида 650 ўринли замонавий ёпик бозор фойдаланишга топширилди. У минглаб нукусликларнинг қундалик эҳтиёжларини қондириш билан бирга шаҳарнинг меъморий кўрinishига ҳам бевақ бўлиб қўшилди.

«Ойдин йўл» деб аталувчи ушбу бозор ёнида 400 автоуловга мўлжалланган қўналга ҳам барпо этилди.

Майиз сайли

Хатирчи туманида етиштирилаётган ширин-шакар майизлар, хусусан «Учқора» майизи азалдан машҳур. Бу ерда мавсумолди «Майиз сайли» танловини ўтказиш одат тусига кирган.

Бу йилги танлов Кўксарой қишлоғининг Чоштепа маҳалласида ташкил этилди. Ўттиздан зиёд соҳибқорлар иштирок этган ушбу беллашува энг сара маҳсулотлар тақдим этилди. Вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этган ушбу танлов И. Эшмурзаев, Р. Тўрақулов, Ж. Қодиров, М. Куванов сингари ёш соҳибқорларни кашф этди.

Теннис бўйича Осиё чемпионати бошланди

Жаҳон теннис мухлислари мутахассисларининг эътибори шу кунларда мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрига қаратилган. 14 октябрда бу ерда яна бир нуфузли мусобақа — Осиё чемпионати бошланди.

Осиё теннис федерацияси — ОТФ қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Унга ҳозир Осиёнинг 43 мамлаката аъзо.

Шуни таъкидлаш жоизки, ОТФ бу йил мазкур мусобақа ўтказишга тўртинчи 30 йиллигини нишонлайди. ОТФ мамлакатимизда истиклол йилларида спортни, хусусан, теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини юксак баҳолаб, ана шундай юбилей турнирга мезбонлик қилиш ҳуқуқини Ўзбекистонга берди. Қиъта чемпионати Марказий Осиёда биринчи марта ўтказилмоқда. ОТФ ва Ўзбекистон теннис федерацияси шу йилдан бошлаб ушбу йил давомида ушбу мусобақани юртимизда ўтказишга келишиб олди.

Тошкент теннис марказида Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлди.

— Мамлакатимизда Президентимиз Исро Каримов раҳнамолигида барча соҳалар каби спортни, хусусан, теннисни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — деди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов. — Бунинг самараси ўларок, спортчиларимиз жаҳон майдонларида катта муваффақиятларга эришмоқда, юртимизда турли нуфузли турнирлар улдузлик ўтказилиши. Бугун бошланди. 20 октябргача давом этадиган Осиё чемпионати ҳам шулар жумласидан.

Маросимда сўз олган ОТФнинг ижрочи директори Ш.Уррапати Ўзбекистонда теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ эканлигини таъкидлади.

Шундай қилиб, пойтахтимизда яна бир катта теннис байрами бошланди. Мусобақада қитъамизнинг ўн беш мамлакатидан келган ракетка усталари Осиё чемпионлиги учун куч синашди. Беллашувлар аввал, эрақлар ва аралаш жуфтликлар ўртасида бўлади.

Чемпионатнинг тантанали очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди.

«Халқ сўзи» назоратида

Зохир ТОШҲУЖАЕВ,
Озод РАҲАБОВ,
Ўзод РАҲАБОВ,
Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

«Халқ сўзи», ЎзА, «Туркистон-пресс»

«Олмазор» гузари

Буюкбоши туман марказида тадбиркор Садриддин Камаридинов гузар қурди. «Олмазор» деб аталувчи ушбу гузарда маданий-маиший марказ, расталар ва шунингдек, байрам тадбирлари ўтказиш учун жой ҳам ҳозирланган.

Марказга янги тиббий ускуналар

Шу йилнинг баҳоринда АҚШ давлат департаменти вакили Джон Пост раҳбарлигидаги бир гуруҳ мутахассислар Наманган вилоятида бўлишганида тиббиёт соҳасидаги ислохотлар билан яқиндан танишган эдилар. Ана шу ташриф натижаси ўларок Наманганга уч миллион АҚШ доллари миқдоринда ноёб тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

Улар орасида биринчи тиббий ёрдам самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи кардиоаналиторлар, сунъий нафас олдириш ва сўнгги нусхадаги рентген аппаратлари ҳам бор.

«ЕМКАТ» билан ҳамкорлик

Миллий матбуот марказида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган Грециянинг «ЕМКАТ» компанияси раҳбарлари иштирокида анжуман бўлиб ўтди.

Маълумки, мазкур компания билан ҳамкорликда қурилган сара уруғлик тайёрловчи «Олтин чигит» қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётди. Айни пайтда унинг таркибиде иккита ишлаб чиқариш ташкил этилди. Сурхондарёда қурилган ушбу корхона аллақачон ўз фаолиятини бошлаган бўлса, Фарғона вилоятининг Яйпан шаҳридаги эса ишга туширилиш арафасида.




«Халқ сўзи»нинг 2002 йил 6 сентябрь сониде эълон қилинган «Бобурнинг мақбараси қаред?» Еҳуд «Фаргона» нашриетида чоп этилган китоблар ҳақидаги мулоҳазаларини» сарлавҳали мақолада вилоят ҳокимлигини ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилоят-

Зарур чора-тадбирлар белгиланди

ти ҳудудий бошқармаси мутахассислари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилишда муҳокама қилинди. Шу жараёнда мақолада келтирилган далиллар тадиқланди. Нашр маҳсулотларида йўл қўйилган камчиликлар ҳақиқатан ҳам мавжудлиги инобатга олиниб, «Фаргона» нашриети директори Т.Жўраев ишдаги хато-камчиликларни учун оғохлантирилди. Китоблар муҳаррирлари Б.Исо, Д. Эргашев, Э. Хужаев ва А.Тошқуловга нашр ишида бепарволик, эътиборсизлик қилганликлари кўрсатиб ўтилди. Келгусида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда олдин олтиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Х. БАҲРОМОВ,
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Пусандан Ёруф юз билан қайтишди



Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё Ёруфининг 214 нафар вакили спортнинг 24 тури бўйича иштирок этди.

Осиё ўйинларидаги дастлабки зафарли олимни велоспортичи Сергей Крушевский бошлаб берди. Қизғин шунданки, ўзбекистон жамоаси ҳисобига илк медал — бронзани келтирган бўлса, биринчи олтин медалнинг ҳам муаллифи айнан С.Крушевский бўлди.

Пусандаги мусобақаларда гимнастикачимиз Оксана Чусовитина ҳам ҳавас қилгулик натижаларга эришди. У терма жамоамизга тўрта медал тақдим этди. Айниқса, Оксананинг эркин машаққат чиқишлари барчага манзур бўлди. Мусобақада О.Чусовитинани икки марта шоҳупанинг энг юқори лавозинига қўтаришган бўлса, яна икки чиқиш кумуш медалларга лойиқ топилди.

Юнон-рум кураши беллашувларида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган полковлар орасида Алексей Челгаков ўз вақти бўйича барча рақиблари курагини ерга текказиб, биринчи ўринни эгаллади. Эркин кураш усталари Дилшод Мансуров ва Артур Таймазов ҳам ўз вақти тоғфасида гиламга чиққан полковлар ичида тенгсиз эканлиги яна бир бор исботланди.

Равель Начев 50 метр масофага эркин усулда сузиш мусобақасида барча рақибларидан ўзиб кетди.

Ўзбекистонлик теннис мадликаси Ирода Тулаганова Осиёнинг энг кучли ракетка усталаридан бири эканлиги намоиш этди. У теннис мусобақасининг финалида галаба қозониб, шоҳупага қўтарилиди.

Байдарка ва канодада эшак шувчиларимиз ҳам Жанубий Кореядан олтин медалга эришди. Мусобақаларда А.Ряхов байдаркада 500 метр масофага ўтказилган беллашува рақибларини доғда қолирдди. Шу-

нингдек, аёллар ўртасида мазкур масофага ўтказилган баҳода Т.Левина, А.Москалева, Ю.Борзова ва Н.Пичулинадан иборат тўртталик мара чизгинини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Ўзбекистон терма жамоаси гавизига энг кўп олтин медалнинг боксчини тўхта этди. Пусанда борган ўрта чарм куқоп устасидан олтин сиз филинда чиқди. Дилшод Маҳмудов, Уткир Хайдаров, Исро Бердиев, Сергей Михайлов, Рустам Сандюк куқаб маҳоратини намоиш қилиб, давлатимиз мадҳияси яна беш марта янграганини таъминлади. Бехоз Дилшодов иккинчи ўрин билан қиёриланди.

Спортнинг доғдо, академик эшак шувчи, юнон-рум кураши, енгил атлетика, оғир атлетика, қарағз каби турларда қатнашган вакилларимиз мусобақанинг кумуш медалларига сазовор бўлишди.

Осиё ўйинларида учинчи марта қатнашган Ўзбекистонликлар 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза — жами 51 медалга эришди. Қиққан зиёда мамлакат орасида бешинчи ўринни эгаллади.

Ҳамюртарларимиз Осиё чемпионатида қўлга киритаётган медаллар сонини ва сифатини ошириб бормоқда. 1998 йили Ташада пойтахти Бангкогда ўтган Осиё ўйинларида Ўзбекистонлик спортчилар 6 олтин, 22 кумуш ва 12 бронза медалга сазовор бўлганини инобатга олсак, бу пайт ўйинларидаги медаллар сонини ва сифатини янада юқори бўлгани сезилди.

(ЎзА).

Шарҳловчи минбари

Жаҳон харитасида СССР деган давлатнинг йўқ бўлиб кетиши билан дунё сиёсий иқлимиди жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, тузумлар қарама-қаршичилигига барҳам берилди.

ри ва овозларига эга эркин ривожланаётган демократик давлатлар. Тўғри, Руминия ўша пайтда ҳам СССР дохири-ларининг асабларини кўзаб, ўзининг "ички" олати ва кўтилмаган хатти-ҳаракатлари билан Брежнев-Сулейев режими довлариб турар эди.

НАТОга ЯНГИ НОМЗОДЛАР

Бирок Европадаги қудратли ҳарбий иттифоқ — НАТО сақланиб қолди. Бу қитъалардаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлайдиган, ҳар қандай хавф-хатарнинг, зўрдик ва зуравонликнинг олдини оладиган, демократия ва тараққиётни кафолатлайдиган, ҳарбий ҳамкорликни йўналтириб турадиган бирика сифатида тобора мустақамлашиб бормоқда.

эмас. Бирок уларга имконият эшикларини очилиши учун вақт керак. Ҳозирча Руминия, Болгария, Словакия, Словенция давлатларига ҳам имконият эшикларини очилди. Улар ҳам ишонч билан Прага саммитига тақлиф қилинган. Шундай қилиб, НАТО аъзоларининг сони яна еттигача кўпайиши мумкин.

шини табиий деб тушуниш керак. Бугунги сиёсий ҳаёт шу даражада ўзгаришчанки, нима бўлаётганининг дафъатан илғаб олишининг ўзи мураккаб. Бундан атиги ўн беш йил олдин Болгария социализмининг Болқондаги кўрғони, марксизм дохириларининг макони, СССР деган империянинг кўрсатмаси билан иш юритадиган бир давлат эди.




Курбонлар сони кўпаймоқда

Сўнгги маълумотларга қараганда, Индонезиянинг Кута бич оромгоҳида содир этилган террорчилик оқибатида ҳалок бўлганлар сони 190 нафарга етган, 309 киши жароҳатланган, 90 киши оғир аҳволда.



Барбод бўлган сайловлар

Сербияда ўтказилган президент сайловларининг иккинчи тури сайловчиларнинг етарли фоизи қатнашмаганлиги сабабли қонирасиз деб топилди.




Чабес тарафдорларининг намойиши

Венесуэланинг пойтахти Каракас шаҳрида мамлакат президенти Уго Чавесни қўллаб-қувватлаш учун минглаб кишилар намойишига чиқшди.




Фааастин учун Беғараз Ёрдам

Саудия Арабистони Фааастин Миллий Мухториятига Беғараз Ёрдам тариқасида 15,4 миллион АКШ доллари ажратди.




Қиролнинг тақлифи

Марокаш қироли Муҳаммад VI Испания ва Марокаш давлатлари муносабатлари-ни яхшилаш тақлифи билан чикди.




Қирқш чизиги

11-модда. Давлат статистика қузатувлари Давлат статистика қузатувлари мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодалар ва жараёнлар тўғрисидаги статистика маълумотларини изчил йиғиб боришдан иборат бўлиб, бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида ҳам, бевосита қузатувлар йўли билан ҳам ўтказилади.




Қирқш чизиги

11-модда. Давлат статистика қузатувлари Давлат статистика қузатувлари мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодалар ва жараёнлар тўғрисидаги статистика маълумотларини изчил йиғиб боришдан иборат бўлиб, бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида ҳам, бевосита қузатувлар йўли билан ҳам ўтказилади.




Қирқш чизиги

1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари Ушбу Қонун давлат статистикасининг ташкил этиши масалаларини тартибга солиди, давлат статистикасини тартибга солишнинг қонун ҳужжатларида ҳамда ягона статистика ахбороти тизими юртилиши учун норматив асос яратлади.




Қирқш чизиги

11-модда. Давлат статистика қузатувлари Давлат статистика қузатувлари мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодалар ва жараёнлар тўғрисидаги статистика маълумотларини изчил йиғиб боришдан иборат бўлиб, бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида ҳам, бевосита қузатувлар йўли билан ҳам ўтказилади.



Қирқш чизиги

11-модда. Давлат статистика қузатувлари Давлат статистика қузатувлари мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодалар ва жараёнлар тўғрисидаги статистика маълумотларини изчил йиғиб боришдан иборат бўлиб, бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида ҳам, бевосита қузатувлар йўли билан ҳам ўтказилади.



Қирқш чизиги

11-модда. Давлат статистика қузатувлари Давлат статистика қузатувлари мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодалар ва жараёнлар тўғрисидаги статистика маълумотларини изчил йиғиб боришдан иборат бўлиб, бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида ҳам, бевосита қузатувлар йўли билан ҳам ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКАСИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИК ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ - КЎМАК ЖАМГАРМАСИ ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ элчихонаси билан ҳамкорликда 2003/2004 академик йилга гуманитар ва ижтимоий фанлар бўйича стипендиялар танлови эълон қилади.

OPEN SOCIETY INSTITUTE 2003 SOCIAL WORK FELLOWSHIP PROGRAM FOR GRADUATE LEVEL STUDY IN THE UNITED STATES

Ташкилот ва корхоналар муқолатига! Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиши (тендер) бўйича республика бошқармаси

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ кўйидаги иншоот таълим савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

Давлат статистикасининг ахбороти тизими юртилиши учун норматив асос яратлади.

«Техника юдузлари» талабаалар Журнали

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.

2. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари ҳамда Иқтисодийни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмиталари тушган тақлифларни манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан биргаликда умумлаштириш ҳамда «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 29 август.

2

Буқлаш чизиги

ва идентификация қилинишини таъминлайди.

Юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар реестрини ва ахборот базаларини яратадиган ва юридадиган давлат органлари ҳамда уларнинг тасарруфидоги ташкилотлар давлат статистикаси органларига Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрини шакллантириш ҳамда унинг долзарб-лигини таъминлаш учун керакли ахборотни бепул берадилар.

13-модда. Статистика маълумотлари тақдим этиш Молия, божжона, солиқ органлари, банк муассасалари ва бошқа идоралар ҳамда хизматлар, шунингдек юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар давлат статистикаси органларига давлат статистика ҳисоботларини, идоравий ҳисобга олиш маълумотларини ҳамда давлат статистика ишларини олиб бориш учун керакли бошқа маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек улarga илова этиладиган тушунтириш-изоҳларни бепул тақдим этиладилар.

Статистика маълумотлари давлат статистика кузатувлари дастурларига мувофиқ белгиланган ҳажмларда ва шаклларда тақдим этилади.

14-модда. Статистика маълумотларидан фойдаланиш

Статистика маълумотларидан давлат манфаатлари ва илмий мақсадларда, жамоатчиликни хабардор этиш учун, улардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун фойдаланилади.

11

Киркиш чизиги

ҲИКМАТ

Ҳар бир ёмон ишдан сақла ўзингни,
Яхшилар ишдан узма кўзингни.

Сочиним бошлайверар мени кенликлар помон

Китобхонада ўтирган одам,
Китоб — ҳаёлинг тахти.
Ҳақ чамидин сув ичган чидам,
Сен — эзулик дарахти.

Китоб қидирасан, китоб титасан,
Узгарган имлолар мағзини чақиб,
Сарғайган вақарлар чангин ютасан,
Факру фано мақомин тақиб.

Сен — златсан, сен — халқсан,
Сен — миллатсан, сен — Ватан.
Рухида хурлик баққан
Соҳибзаварсан, зотан.

Сен — гурурсан, сен — қадр,
Сен — номуссан, сен — орсан.
Бошинг курга адр,
Зоҳиринг дилга ёрсан.

Сен — хотирсан, сен қадим,
Сен — бугунсан, сен — эрта.
Сен — узуқ, юзуқ одим —
Йуллар чизган харита.

Сен — армонсан, сен — умид,
Сен — ўликсан, сен — ўзсан.
Сен — англаш деган вужуд
Анласан улуг СУЗСАН.

Китобхонада ўтирган одам,
Китоб — ҳаёлинг тахти.
Ҳақ чамидин сув ичган чидам,
Сен — эзулик дарахти.

Қашқадайро кенгликларига осмон бошини қўяди,
қошларини ё айлаб юлдузлар келар яқин.
Лабаари тарс ёрилиб, офтоб жондан суяди,
қўзиғулар зулғига гулдор жигарлар тақиб.

Юрагимга ҳарорат, тафти берар элас-элас,
зуруллаб ёшиб, сўнган олис гулханлар ҳили.
Унда, менга қадрдон руҳга кўчган унут сан —
садоланиб сасларан жовид тўрғайлар тиш.

Тўрт томонга югурар, ҳансираб, алаң-жалаң,
тўриқлар изи ботган ёлғизоқ йўлар тым.
Қад кериб полволардек, тиради кўксин яланг,
бепойё бу маконалар, бепойёлик ичра жим.

Ҳайланда буй тортиб, хотирамда уриб чарх,
соғинчим бошлайверар мени кенликлар помон.
Шаҳарнинг тор бурмаси қоминга қилмасин гарқ,
кенликларга кетайин, кенликларга, бирор он!

Бир лаҳза кўй ўзимга, ўлигим қувратини,
бир синаот сезайман кенликлар борин уйлаб.
Қашқадайро кенликларини тўнган сувратини
олиб норайман қангулм меҳваридо авайлаб...

Қашқадайро кенликларига осмон бошини қўяди...

Иқром ОТАМУРОД.



Киркиш чизиги

ган ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, сақлаш ва тарқатиш борасидаги фаоллият бўлиб, уни давлат статистикаси органлари ўзлари белгилана усулларга мувофиқ амалга оширадилар.

4-модда. Давлат статистикасининг асосий принциплари

Давлат статистикасининг асосий принциплари куйидагилардан иборат:
ишонччилик, ҳолислик, бегаразлиқ;
долзарблик, қиёсламалик ва барқарорлик;
кулайлик, очиқ-ойдинлик ва ошқоралиқ.

5-модда. Давлат статистикаси органлари

Давлат статистикасининг ваколатли органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, туманлар ва шаҳарлардаги органлари давлат статистикаси органлари ҳисобланади.

Давлат статистикаси органлари маълумотлар манбаларини, статистика усулларини, статистика маълумотларининг мазмунини, шакли, вақти ва тарқатилишини танлашда мустақилдир.

Давлат статистикаси органларини молиялаштириш ҳамда моддий-техника жиҳатидан таъминлаш Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат статистика ишлари дастурига киририлмаган статистика ишларига ҳақ тўлаш буюртмачи томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

4

Буқлаш чизиги

ган тартибда йўл қўядилар.

Бошқа давлат органлари ҳамда юридик шахслар ички идоравий хусусиятдаги статистика кузатувларини давлат статистикаси ваколатли органи билан келишиб олишган шаклларда ўтказишлари мумкин. Бундай статистика кузатувларининг маълумотлари давлат статистикаси ваколатли органига унинг сўровига биноан тақдим этилади.

10-модда. Давлат статистика ишлари дастури

Давлат статистикаси ваколатли органи статистика маълумотларидан фойдаланувчилар талабини ўрганиш асосида узоқ йилларга мўлжалланган Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқали, бу дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат статистика ишлари дастури мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида статистика ахборотини тайёрлаш тўғрисидаги аниқ йўналтирилган топшириқлар ҳамда статистика ишларини молиялаштириш ҳажмлари қамраб олинган ҳужжатдир. Давлат статистика ишлари дастури давлат статистикасининг истиқболга мўлжалланган мақсадлари ва йўналишларини, шунингдек бу мақсадларга эришиш стратегиясини белгилаб беради.

Давлат статистика ишлари дастурини бажариш мақсадида давлат статистикаси ваколатли органи томонидан давлат статистика ишлари йиллик дастури қабул қилиниб, унда ишларнинг бажарилиш муддатлари, давлат статистика кузатувлари даврийлиги ва шакллари белгилаб олинади.

9

Киркиш чизиги

Киркиш чизиги

рига тегишли тузатишлар киритиш;
олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги ҳамда ҳолислигини экспертизадан ўтказиш;
статистика маълумотларини тақдим этаётган давлат органлари, юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, яқка тартибдаги тадбиркорлар бажариши мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар қабул қилиш;
давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ равишда жарима санкцияларини қўллаш;
юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишини амалга ошираётган органлардан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрини юритиш учун зарур маълумотлар олиш;

давлат статистикаси ахборот тизимининг қамровдорлигини ҳамда унинг давлат бошқа ахборот тизимлари билан Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконига ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

Давлат статистикаси органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7-модда. Давлат статистикаси органларининг мажбуриятлари

Давлат статистикаси органлари:
давлат статистикаси принципларига риоя этилишини ва халқро стандартларга монанд статистика услубияти бирлигини таъминлашлари;
Давлат статистика ишлари дастурлари бажари-

6

Буқлаш чизиги

лишини таъминлашлари;

мамлакатни, унинг минтақаларини, иқтисодийнинг тармоқ ва шўъбаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларининг бажарилиш жараёни устидан давлат статистика кузатувларини ташкил этишлари;

давлат статистика ҳисоботлари йиғилишини, уй ҳужжатларининг статистика кузатувини рўйхатга олиш, бир маротабалик ҳисобга олиш, сўровлар, танланма монографик ва бошқа хил кузатувлар ўтказилишини ташкил этишлари ва таъминлашлари;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини белгиланган тартибда статистика маълумотлари ва таҳлилий ахборот билан таъминлашлари;

жамланма статистика маълумотлари эълон қилинишини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг сўровларига биноан шартнома асосида тақдим этилишини таъминлашлари;

яқка тартибдаги статистика маълумотларининг махфийлигини, давлат сирлари ва юридик шахсларнинг тижорат сирларига риоя этилишини, жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг эгаси маҳумлаштирилишини таъминлашлари;
халқро ва минтақаларо статистика қиёслашларини ўтказишлари;
Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрини ҳамда давлат статистикаси учун керакли таснифлаш тизимини юритишлари шарт.

Давлат статистикаси органлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам

7

Киркиш чизиги

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ
(НАРА 4216, 2816)
ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ тақлиф этади.
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва сошлаб берилади.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

Тошкент шаҳар ҳудудида импорт истеъмол товарларини улгуржи савдоси билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2002 йил 20 августдаги 295-сонли «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорига сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божжона қўмитаси томонидан битрилган ва 2002 йил 31 августда 1169-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларни олиб кириш ва сотиш низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларга мувофиқ 2002 йил 10 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳар ҳудудида истеъмол товарларини улгуржи савдоси ҳуқуқини берувчи сертификат расмийлаштириш жорий этилди.

Истеъмол маҳсулотларининг улгуржи савдоси ҳуқуқи учун йиғимнинг бир ойлик миқдори жорий қилинган энг кам иш ҳақининг уч баробарига тенг қилиб белгиланган.

Юридик ва жисмоний шахсларга истеъмол товарлар билан улгуржи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи сертификатни расмийлаштириш ва ҳисоботини олиб бориш Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментининг туман бошқармалари томонидан, тасдиқлаш эса туман ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

Истеъмол товарларини улгуржи сотиш ҳуқуқини олиш учун департаментнинг туман бошқармаларига ариза билан қуйида илова этилган ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:

- а) Юридик шахслар томонидан:**
 - давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
 - маҳсулотларни сақлаш, йиғиш, саралаш ва жамлашни таъминловчи тегишли моддий-техник базасининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (мулкчилик ҳуқуқи далолатномаси ёки бино ижараси ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар);
 - улгуржи сотиш ҳуқуқи учун тегишли миқдорда йиғим тўлагани ҳақида гувоҳлик берувчи банк ҳужжати нусхаси;
 - ўз дистрибьютерларининг тасдиқланган рўйхати.
 - б) Яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан:**
 - давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
 - банкда ҳисоб-китоб рақамининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;
 - сотиш ҳуқуқи учун тегишли миқдорда йиғим тўлагани ҳақида гувоҳлик берувчи банк ҳужжати нусхаси;
 - ўз дистрибьютерларининг тасдиқланган рўйхати.
- Тақдим этилган ҳужжатлар департаментнинг туман бошқармалари томонидан 5 иш кунини мобайнида қўриб чиқилади ва улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи сертификатлар расмийлаштирилади.
- Мурожаат учун телефонлар:**
- Акмал Иқромов тумани: 74-16-71.
 - Бектемир тумани: 195-04-07.
 - Миробод тумани: 54-95-02.
 - Мирзо Улугбек тумани: 68-14-67.
 - Собир Раҳимов тумани: 45-65-07.
 - Серғели тумани: 57-14-96.
 - Чилонзор тумани: 76-76-24.
 - Ҳамза тумани: 96-54-85.
 - Шайхонтоҳур тумани: 41-33-60.
 - Юнусобод тумани: 137-54-11.
 - Яққасарой тумани: 54-79-38.

T5-Technology компанияси куйидаги хизмат турларини тақлиф этади:

- лойиҳа тузишдан аввалги тадқиқот ўтказиш;
- лойиҳа тайёрлаш;
- лойиҳани амалга оширишни техник қўллаб-қувватлаш;
- ходимларни ўқитиш ва маслаҳат бериш;
- жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг жиҳозларини етказиб бериш.

Манзил:
Тошкент ш., Ҳамид Олимжон майдони, «Пойтахт» бизнес мажмуи, ғарбий томон, 2 йулак, 29, 30 идора.
Телефонлар: (371) 137-72-91, 137-72-92.
Факс: (371) 137-72-98.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСА:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
133-78-92
- Иқтисодий — 136-36-65;
132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетасоҳилар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;
133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 977,
27225 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терлиди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШИМАТОВ.
Навбатчи — М. НОРМУРОВОВА.
Мусаҳҳах — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зинд материаллар қабул қилинмайди.
□ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топшириди — 23.00
1 2 3 4 5 6